

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 129 (2677).

Жума, 3 июль 1964 йил.

Баҳоси 2 тийин.

НОРВЕГИЯ ПОЙТАХТИ СОВЕТ МЕҲМОНЛАРИНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА



Н. С. ХРУЩЕВНИНГ НОРВЕГИЯДА БЎЛИШИ

ОСЛО, 2 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Кеча СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущев билан «Норвегия-Совет Иттифоқи» жамияти раҳбарлари ўртасида дўстона эркин суҳбат бўлди. Н. С. Хрущевнинг таклифига биноан, ана шу жамият раҳбарлари унинг резиденциясига — коронинг Бюде Консгорт қўғонига келдилар. Н. С. Хрущев ва Н. П. Хрущева меҳмонларни гоёт самимий кутиб олдилар. Шу учрашувга келган бул орасида жамият раиси Кнут Эйвсволд, жамият кенгашининг раиси, стортингнинг собиқ депутати Улаф Версту, магистр Эгиль Даниэльсен, профессор Иван Ру-сенквист, касаба союз арбоби Ос-

мунд Бекхолт ва бошқалар бор эди. У. Версту самимий сўзлар билан Н. С. Хрущевга мурожаат қилди. У. жамиятнинг бутун фаолияти норвеж ва совет халқлари ўртасидаги дўстлиқни мустаҳкамлашга қаратилган, деб таъкидлади. Жамият раиси Н. С. Хрущевга Эгиль Даниэльсеннинг «Норвегия-Совет Иттифоқи 1917—1940 йилларда» деган китобини тақдим этди. Чиройлик қилиб безалган бу китоб яқин кунларда магазинларга чиқарилади. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Никита Сергеевичнинг совет са-ноати эришган муваффақиятлар тўғрисида, фан ва маданият соҳа-



СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва унинг ҳамроҳлари расмий визит билан Норвегияда меҳмон бўлиб туришмоқда. Чапдан суратда: Ослода кутиб олиш пайти. Н. С. Хрущев Норвегия пойтахти аҳолисининг табрикларига жавоб беришти. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев 29 июнда Норвегия бош вазирини Э. Герхардсен ҳу-зурида бўлди. Суратда: визит пайти. (Ундаги сурат). АП-ТАСС фотоси (Фототелеграф орқали).

БЕЛОРУССИЯ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Белоруссия меҳнаткашларини республика фашист оккупациясидан озод бўлган кунининг йигирма йиллиги билан самимий табриклашди. Совет Белоруссияси туپроғини титловчи босқинчилардан озод қилган Совет Армияси жангчилари, партизанлар кураши қаҳрамонларининг ва бутун белорус халқининг мардонавор жасорати совет кишиларининг қалбига абадий яшайди. Совет Иттифоқи халқлари фашизмга қарши, ўз Ватанининг порлоқ истиқбол учун курашда жонини фидо қилган кишиларнинг нуруний хотирасини абадий сақлай-дилар. Белоруссия меҳнаткашларининг коммунизм қурилиши улуғ-вор вазифаларини амалга оширишда янгидан-янг муваффақиятларга эришувларини тилаймиз.

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

В. ХАТУНЦЕВ
Д. ЕРШОВ
М. КОСОВ.

ИЮЛЬ—ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

40 ЦЕНТНЕР УЧУН

Чинникул Холиқулов ўйда йўқ хурсанд. Чунки гўза дастлабни гу-дини кўрсатди. Бу эрта баҳордан шу кунгача қилинган меҳнатнинг илк меvasидир. Шу кунларда Ойқўрғон бошқармасидаги Димитрев номли колхоз далаларида бўлган киши ша-бада экинларида денгиздек тўқинла-ниб турган ва гўза кирган гўзалар-ни кўриб дили қувилади.

Азамат пахтакорлар. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик тўйи шарафига сойбалис-тик мусобақани ави олдириб юбор-дилар. Улар 120 гектар ерининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириб, сўзларининг усти-

дан чиниш учун астойдил курашмоқ-далар. — Бу — дейди бригада бошлиғи Чинникул Холиқулов, — дастлабни қадам, эндиги вазифа гулли тўй, бу-луқ кўсакларга айлантириб, ҳосил туғунчаларини тўла сақлаб қолишдан иборат.

Ҳа, даладаги қаранат иши билан дили бир азамат пахтакорларнинг 120 гектар ерининг ҳар гектаридан намида 40 центнердан «оқ олтин» ҳо-сини олиб, тўйга муносиб совға тай-ерлашларидан далолат бериб ту-рипти.

С. БЕНТОВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Июль—ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой. Кузда хирмоним ба-ракали бўлсин, деган деҳқон шу кунларда тайрат қилиб ҳар тўй гўзани кўз қорачиқдек авайлаб ўстириши, шонини гўзга, гулли тезроқ кўсакка айлантириш чо-раларини кўриши керак. Об-ха-во шароити анча ноқулай келиб гўза ривожланишдаи орқала қолган бу йилги шароитда бор кўчатларини пахта йиғим-терим-гача тўла сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун ҳар бир колхоз, ҳар бир совхозда агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш талаб қилинади. Култивациянинг сифатли бўли-шига алоҳида эътибор берила-дими. Култивация вақтида албатта чопқ тракторларининг қисмларига тўсиқлар ўрнатил-ган бўлиши шарт. Бу кўчатлар-нинг нобуд қилмасдан тўла сақлаб қолинишини таъминлай-ди.

Ҳозирги кунда сувчининг ро-ли, айниқса, маъмулиятлидир. Шунинг учун ҳам бу ишни ҳам-ма ерда намунали ташкил этиш чораларини кўриш керак. Суто-ришни кечасию-кундузи ўтла-зиш — муҳим аҳамиятга эга.

Не-не машаққатлар билан ўс-тирайтган гўзамизни ҳашоратта, ўтга олдиришнинг учун хушб-лиқни оширайди. Ҳамма ерда озиклантиришни 15—20 июл-дан кечикмасдан тугаллаш — гўзанинг ривожланишидаги қо-

лоқлиқни тугатиш, ҳосил туғун-чаларини қўпайтириш, кўсак-ларнинг эрта очилишини таъ-минлайдиган тадбирлардан эканлигини сира унутманг. Бе-кобод, Бўка, Янгийўл бошқар-маларида бу соҳадаги ишлар-нинг сифатига айниқса эътибор бериш лозим. Чунки тожикис-тонлик пахтакорлар бу бошқар-маларда бўлганларида кўпгина хўжаликларда жиддий камчи-ликларга йўл қўйилганлигини очиб ташлашди. Ҳозир ана шу камчиликларни тез кун ичида тугатиш зарур.

Мўл ҳосил тўлашда июль-нинг ҳар соати, ҳар минутидан унумли фойдаланиш!

ҒАЛЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхоз ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик планини муваффақият бил-лан бажардилар. 80 тонна ўрнига 135 тонна дон топ-ширилиб, план 169 про-цент қилиб адо этилди. Колхоз аъзолари имконият-ларини ҳисоблаб чиқиб, она-Ватан оғирларига яна бир неча ўн тонна ғалла ет-казиб бериш мажбурияти-ни олишди.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАЙЛИК!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пле-нумида «Турмуш маданиятини юксалтириш, ўтмиш сарқитлари-ни тугатиш — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш-нинг муҳим шарт» ҳақидаги муҳим масала муҳокама қилин-ди.

Ўзкомпартия Марказий Комитети пленуми қарорлари об-ластимиз кишлоқ хўжалик меҳнаткашларини ҳам гоёт мамнуи қилди. Маҳаллий партия ташкилотлари пленум материаллари-ни омма ўртасида кенг пропанда қилиш билан бирга куч-гай-ратларини унда кўрсатилган вазифаларини амалга оширишга сафарбар этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети қўраётган жуда катта тадбир-лар туфайли кейинги йилларда колхоз ва совхозларнинг эконо-микаси тез юксалмоқда. Бинобарин колхозчилар ва совхоз иш-чиларининг турмуш шароити ҳам тобора яхшиланмоқда. Ки-шилар учун барча маданий-маиший шароит мавжуд бўлган, йилдан-йилга гурираб яшайтган, борган сари шаҳар тусига кириб бораётган кишлоқлар об-ластимизда оз эмас. Ана шу кишлоқларга борсангиз кишиларнинг фидокорона меҳнат қи-лаётганликларини ва шу меҳнатлари роҳатини татиб, тўқ ва маданий ҳаёт кечираётганликларини кўриб чин қалбдан хур-санд бўласиз.

Шундай хўжаликлардан бири Юқори Чирчиқ бошқармаси-даги «Политотдел» колхозидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-рини мўл-кўл етиштиришда ҳам, кишлоқни зомонавий архи-тектура асосида қайта қуришда ҳам, кишилар учун маиший ва маданий шароит яратиб беришда ҳам, умуман ҳар жиҳатдан «Политотдел» колхозидан намуна олса арзийди.

Газетамизнинг бугунги иккинчи-учинчи саҳифаларида шу маш-аал «Политотдел» колхози эришган улкан ютуқлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

СОВЕТ ХОДИМЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Тошкентда меҳнаткашлар де-путатлари шаҳар ва район Со-ветлари ижроия комитетлари раисларининг республика семи-нари бўлиб ўтди. Семинарни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми билан Министрлар Совети чақирган эди.

Ўзбекистон ССР Олий Сове-ти Президиумининг раиси Э. С. Насриддинов қисқача кириш нутқи сўзлаб, семинарни очди.

Семинарда Хева район иж-роия комитетининг раиси Н. Худойберганов, Самарқанд ша-ҳар ижроия комитетининг раи-си Р. Жўматов, Анжлийон ша-ҳар ижроия комитетининг раи-си С. Обидов, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси В. А. Ларин ўртоқлар маҳал-лий Советлар олиб бораётган қилма-хил ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Семинарда республика Олий Совети Президиуми Раисининг

ўринбосари А. С. Абдалиев, Ўз-бекистон КП Марказий Коми-тети ва Ўзбекистон Министр-лар Совети Партия-давлат кон-роли комитетининг раиси М. М. Мусахонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, рес-публика Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. М. Нажесткин, Коммунал хўжалик министри М. З. Мир-заахмедов, «Ўзгавит» бошлиғи В. Ф. Барабаш, савдо ми-нистрининг ўринбосари Э. П. Виноградов, молия министри В. М. Муродхўжаев, маориф министри Б. М. Муров, соғлиқни сақлаш министри Б. Х. Маъзу-мов, жамоат тарбиясини сўқлаш министри Х. Х. Яхёев ўртоқлар турли темаларда докладлар қилдилар. Шунингдек, «Ўзглав-строй» гражддан курилиш ва архитектура бўлимининг бошли-ғи З. М. Гурович, Ўрта Осиё

Халқ хўжалиги кенгаши Химия sanoati Бош бошқармаси ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Н. Г. Симановлар ҳам сўзладилар.

Семинар қатнашчилари Юқо-ри Чирчиқ ишлаб чиқариш бош-қармасидаги «Политотдел» кол-хозида бўлиб, меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўр-сатиш ва шаҳардаги аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи кор-хоналарининг иши билан таниш-дилар.

Семинар қатнашчилари бил-лан Ўзбекистон КП Марказий Комитетида суҳбат ўтказилди. КПСС Марказий Комитети Пре-зидиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов улар-га қарата нутқ сўзлади. Суҳбат-да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккин-чи секретари В. А. Карлов қат-нашди. (ЎзТАГ).

ПЛАН ОРТИҒИ БИЛАН

Юқори Чирчиқ бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг чорва-дорлари ярим йиллик гўшт топи-риш давлат планини бажардилар.

Г. РҒЗИМАТОВ.

Б И Л Д И Р И Ш

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Совети-нинг биринчи қақиринг VIII сессияси шу йил 7 июлда қақирлади. Сессия кундуз соат 2 да Эстрада театри биноси (Навоий кўчаси 55) да очилди.

Сессия кун тартибига:

1. Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл ва Янгийўл шаҳар Советлари ижроия комитетлари томонидан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишининг бориши тўғри-сида;

2. Область Советининг қурилиш, коммунал хўжалик ва ободон-лаштириш бўйича доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги масала-лар киритилган.

Тошкент саноат область Совети ижроия комитети

БУГУН „ПОЛИТОТДЕЛ“ КОЛХОЗИ ПАХТАЗОРИДА



«Политотдел» колхозининг деҳқонлари гўза қатор ораларини меҳр билан парвариш қилишмоқда. Ҳозир асосий майдонларда учинчи ишлов бериш қизғин давом этаётган. Суратда: дондор бригадир ўртоқ А. Абдурахмонов эве-но бошлиғи механизатор ўртоқ Г. Пирматов билан гўзаларни кўздан кечиришяпти.

Колхоз хужалигининг юксалиши.

